Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 203 (4601).
7 СЕНТЯБРЬ 1981 й.
ДУШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

Қардош республикага

БУГУН

пойтахтимиздаги «Ташсельмаш» заводи «ХНП-1,8» маркали терим агрегатларининг янги туркумини қардош Қозоғистон республикасига жўнатди.

Сифатли қилиб чиқарилган ушбу «зангори кема»лар қардош республика далаларида пахта йиғим - терими мавсумида деҳқонлар оғирини енгил қилади.

Корхона, шунингдек, қардош Тожикистон ССР ҳамда республикамизнинг Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд областларига ҳам «зангори кема»лар туркумини жўнатди.

Завод коллективи республикамиз пахтакорлари учун янги - янги сифатли комбайнлар етказиб бериш учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

«ПРАВДА» саҳифаларида

● Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбоби — Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Болгария Халқ Республикаси Давлат кенгашининг Раиси Тодор Живков етмиш ёшга тўлди. Шу муносабат билан бугун газетада ўрток Л. И. Брежневнинг Тодор Живковга йўллаган табриги ва ўрток Тодор Живковни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

● «Қурилишларда ресурсларни иқтисод қилайлик» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

● Меҳнаткашларнинг редакцияга йўллаган мактублари, мамлакатимиз ҳаётига доир янгиликлар, чет эллардан олинган телеграммалар, спорт хабарлари эълон қилинган.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Матбуот марказининг хабар қилади

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ ВА ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИДА

1840 партия группасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу улар умумий сонининг 67 процентини ташкил этади. Йиғилишларда учётда турган коммунистларнинг 96 проценти иштирок этди. Доклад юзасидан музокараларда ҳар икки коммунистдан бири сўзга чиқди.

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

711 цех партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу улар умумий сонининг салкам 30 процентини ташкил этади. Йиғилишларда 4 мингдан зиёд ёки унда қатнашган ҳар уч коммунистнинг бири сўзга чиқди. Маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича 135 комиссия сайланди, унинг составига 487 коммунист кирди.

КОММУНИСТЛАРНИНГ БОШ ВАЗИФАСИ

Ҳозир корхонамиз коммунистлари учун масъулиятли даврдир. Партия группалари ва цех партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов кампанияси боряпти. Унинг кун тартибида катта ва муҳим вазифалар турибди.

Олдимизда вазифалар чиндан ҳам кўп. Ишлаб чиқариш масаласими, ташкилий-партиявий ишми, социал маиший масалалармп, ёш ишчиларни идеологик жиҳатдан тарбиялашнинг кўпгина қирралари дейсизми—ҳамма борада вазифаларимиз етарли.

Ишчилар синфининг авангарди коммунистлар ҳисобот ва сайловларга ҳар томонлама жиддий, принципиал ёндошишяпти. Уларнинг кўпчилиги турли тадбирлар, ҳал этилмаган масалаларнинг муҳокамасида ишчанлик билан қатнашишяпти. Ўзларининг фикр-мулоҳазалари н и айтишяпти, уларни ҳал этишнинг янги йўлларини таклиф этмоқдалар.

Бизда 380 коммунист бор. Мен бирлашма партия ташкилоти секретари сифатида айрим партия группалари фаолиятида қандай қийинчиликлар, нуқсонлар борлигини яхши биламан. Аммо биз ҳамма вақт бу қийинчиликларни келтириб чиқарган сабабларни тўла-тўкис аниқлашга, бир-биримизга ёрдам беришга интиламиз. Ахир, бизнинг партиявий ишимиз бир-биримизни тушунишни тақозо этади. Бирлашмада ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ўнлаб партия группаларида, экспериментал, техника назорати, тайёрлаш, 7-тикув цехлари ва бошқа цех партия ташкилотларида бўлиб ўтди. Бу йиғилишларда маъмурият, партия комитети, фабрика комитети шаънига 55 та танқидий мулоҳазалар билдирилди. Ҳозир булар ўрганилиб, умумлаштириляпти, уларни бажариш юзасидан тадбирлар тузишга тайёргарлик кўриляпти. Коммунистлар билдирган мулоҳазалар, шак-шубҳасиз, коллектив ишини янада яхшилашга, уларни олдимизда турган вазифаларни бажаришга сафарбар этишга ёрдам беради.

Ш. АКБАРОВ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

ЮТУҚЛАРИМИЗ МАНБАИ

Социалистик мусобақа — омманинг ижодидир. Узининг моҳият эътибори билан у одамларнинг юксак онглилигига ва ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга ва уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради.

(Ўрток Л. И БРЕЖНЕВнинг КПСС XXVI съездидаги Ҳисобот докладидан).

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш учун фабрикамиз қатори бизнинг бригадамиз аъзолари ҳам астойдил курашмоқдалар. Коллективимиз шу мақсадда ўз зиммасига оширилган социалистик мажбуриятлар олган. Агар мендан қайси имкониятларга таянган ҳолда зиммаларингизга оширилган социалистик мажбурият олдинглар, деб сўрашса, мен: «Бригадамиз аъзолари ўртасида яхши ташкил этилган социалистик мусобақага таянганмиз».— деб жавоб берардим.

Чиндан ҳам меҳнат беллашувида гап кўп. Негаки, барча ғалабаларимизнинг манбаи ҳамда йўналтирувчиси сифатида социалистик мусобақа омманинг жонли ижодига айланиб кетган. Беллашув бригадамиз ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш нормасини бажариш, машиналарнинг нормал ишлашини таъминлаш каби бир қатор муҳим шартлар билан йўғрилган. Бу шартларнинг бажарилиши коллективимизда доимий назорат остига олинган.

Эришилаётган муваффақиятлар и м и з нинг яна бир омили бу — юқори зичликка ўтиб ишлашдир. Бригадамиз ўзига бириктирилган 60 ўрнига 80 та тараш машинасини маҳорат билан бошқариб келмоқда.

Мажбуриятларимизда ҳар ойда ишлаб чиқариш нормасини 105 процент бажариш, тайёрланаётган пилта сифатини яхшилаш, ускуналарнинг техник ҳолатини сақлаш, уларнинг профилактик ремонтини 65 процентини «яхши» баҳога, 35 процентини эса «аъло» баҳога адо этиш, коллективдаги меҳнат ва технология интизомини янада мустаҳкамлаш каби қатор бандларни бажаришга бел боғлаганмиз. Ўн биринчи беш йилликнинг Асосий йўналишларида ҳам бу борада жуда қимматли фикрлар айтилган. Айниқса, саноатни ривожлантиришга доир қисмида юқори самара берадиган техникани, меҳнат унумдорлигини ўстиришга имкон берадиган янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида жуда яхши фикрлар айтилган. Шунингдек унда енгил саноатда маҳсулот ҳажмини 18—20 процентга кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини эса 16—20 процентга ошириш тўғрисидаги кўрсатмалар барча енгил саноатчилар каби биз, тўқувчиларнинг ҳам олдига қўйган муҳим программ вазифадир.

Ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳар вақтдагидан зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдамиз. Йилни яхши якунлаш учун социалистик мусобақани авж олдириб, қувончли ютуқларни қўлга киритаяпмиз. Бизнинг иш жараёнимизда кунлик ишлаб чиқариш нормасини 100 процент бажариш катта ғалаба ҳисобланади. Бизнинг коллективимиз эса бу кўрсаткични доимо 108—110 процнет адо этмоқда.

М. ҲИДОЯТОВ,
Тошкент тўқимачилик комбинати 1-йигирув фабрикаси тараш цехи мастери ёрдамчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСда

КПСС Марказий Коми тети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Мин истрлар Совети ва ВЦСПС партиянинг XX VI съезди тасдиқлаган социал программага муво фиқ, болали оилаларга давлат ёрдамини кучайт ириш ва аҳолининг пенсия таъминотини янада яхшилаш юзасидан кўриладиган тадбирларни амалга ошириш тартиби ва муддатлари тўғрисид а қарор қабул қилдилар.

Ишлайдиган ва умумий меҳнат стажи камида бир йил бўлган оналар учун, шунингдек ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган хотин-қизлар учун чақалоқ бир ёшга чиққунича унга қараб туриш учун қисман ҳақ тўланадиган отпуск жорий этилади. Узоқ Шарқ, Сибирь районларида ва мамлакатнинг Шимолий районларида ойига 50 сўм миқдорида, қолган районларда эса ойига 35 сўм миқдорида отпуск ҳақ тўланади, шунингдек бола бир ярим ёшга тўлгунча унга қараб туриш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда қуйидаги муддатларда қўшимча отпуск жорий этилади:

Узоқ Шарқ ва Сибирь районларида, мамлакатнинг шимолий районларида (Карелия АССР ва Коми АССРда, Архангельск, Мурманск областларида, шунингдек Вологда, Новгород ва Псков областларида) бу областларда отпуск ҳақи мамлакатнинг Шимолий районлари учун кўзда тутилган миқдорда 1981 йилнинг 1 ноябридан;

РСФСРнинг қолган районларида, Украина, Белоруссия, Молдавия ва Балтика бўйи республикалари районларида — 1982 йилнинг 1 ноябридан;

Қозоғистон, Урта Осиё ва Закавказье районларида 1983 йилнинг 1 ноябридан тўланади.

Шу районларда ишлайдиган ёки ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқийдиган оналарга биринчи бола туғилганида 50 сўм миқдорида ва иккинчи ҳамда учинчи бола туғилганида 100 сўм миқдорида давлатнинг бир йўла бериладиган нафақасини тўлаш ана шу муддатларда жорий этилади.

1981 йилдан бошлаб ишлайдиган ва 12 ёшгача икки ва ундан кўп боласи бўлган аёлларга ҳақ тўланадиган қўшимча уч кунлик отпуск берилади.

1981 йилнинг 1 декабридан бошлаб ёлғиз оналарга давлат нафақасининг миқдори ҳар бир бола учун ойига 20 сўмга қадар оширилади ва у бола 16 ёшга тўлгунча (стипендия олмайдиган ўқувчилар 18 ёшга тўлгунча) шу нафақа тўлаб борилади.

СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги қонунига биноан белгиланган пенсияларнинг энг минимал миқдори 1981 йилнинг 1 ноябридан бошлаб қуйидагича оширилади:

1 группа инвалидликка ва меҳнатга лаёқатсиз уч ёки ундан кўп оила аъзолари боқувчисидан маҳрум бўлганида — ойига 75 сўмга қадар;

кексаликка, II группа инвалидликка ва меҳнатга лаёқатсиз икки оила аъзоси боқувчисидан маҳрум бўлганида —ойига 50 сўмга қадар;

III группа инвалидликка умумий касаллик оқибатида — ойига 26 сўмгача, ишда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги оқибатида — ойига 30 сўмгача;

муддатли хизмат оддий составидаги ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига боқувчисидан маҳрум бўлганида меҳнатга лаёқатсиз бир оила аъзоси учун — ойига 38 сўмгача, ишчи ва хизматчиларнинг оилаларига меҳнатга лаёқатсиз бир оила аъзоси учун — ойига 28 сўмгача оширилади.

Боқувчисидан маҳрум бўлганда, шу жумладан, иш стажи етмаган ҳолда СССРнинг «Давлат пенсиялари тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ёки СССРнинг «Колхоз аъзоларига бериладиган пенсиялар ва нафақалар тўғрисида»ги қонунга мувофиқ 16 ёшга (ўқувчилар — 18 ёшга) тўлмаган болаларга тайинланадиган пенсия миқдори (пенсияларнинг белгиланган максимал миқдорлари миқёсида) ҳар бир болага ҳисоблаганда ойига 20 сўмдан кам бўлмаслиги кераклиги кўзда тутилган.

Беш ёки ундан кўп бола туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаб ўстирган аёлларга, шунингдек саккиз ёш ва ундан катта бўлган ва болаликдан инвалидларнинг оналарига башарти улар камида 5 йил ишлаган бўлса, пенсия тайинлашни сўраган пайтигача уч йиллик узлуксиз иш стажи бўлса иш даврида пенсия ёшига етиш-етмаслигидан қатъий назар иш стажи тўла бўлмаса ҳам 55 ёшга тўлиши билан 1981 йилнинг 1 ноябридан кексалик пенсиялари тайинланаверади.

Кўзда тутилган шу тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида болалари бўлган 4,5 миллиондан кўп оиланинг, 14 миллионга яқин пенсионернинг моддий аҳволи яхшиланади. Шу мақсадларга давлат бюджетидан бир йилда 2.5 миллиард сўмга яқин пул сарфланади.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙУЛ

●

СИФАТ БЕЛГИСИ БИЛАН

Тошкент пойафзал фабрикалари чиройли ва бежирим маҳсулот ишлаб чиқаришга катта эътибор бермоқда.

2-пойафзал фабрикаси яқинда яна икки янги моделда маҳсулот ишлаб чиқарди. Хромдан тикилган тағлиги полиуретанли эркакларнинг моделли пойафзали давлат Сифат белгиси билан тайёрланмоқда. Шу корхонанинг ўзида ана шундай белги билан 42 хил янги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

ИККИ БАРАВАР КЎПАЙДИ

Миллий чолғу асбобларига бўлган талаб кундан-кунга ошиб бормоқда. Буни давлат Сифат белгиси қўйилган чолғу асбобларига берилаётган буюртмалар икки марта кўпайганлигидан ҳам билиш мумкин.

Тошкентдаги экспериментал миллий музика асбоблари фабрикаси бас-дутор ишлаб чиқара бошлади.

Давлат Сифат белгиси қўйилган дуторлар хили 4 тага етди. Булар —прима, альт, секунда ва бас бўлиб, музика ихлосмандларига маъқул бўлмоқда. Бу йил фабрика фақат Сифат белгили маҳсулотлардан савдо тармоқларига 39 минг сўмлик етказиб беради.

Г. ВОҲИДОВА,
Ўзбекистон ССР Давлат стандарти ходими.

ИДЕОЛОГИЯ ВА ҲАЁТ

КОЛЛЕКТИВ ВАЗИФАЛАРИ БИЛАН БОҒЛАБ

Партиянинг идеология, пропаганда соҳасида иш олиб борувчи активи марксча-ленинча таълимотни янада ривожлантириш ва оммани тарбиялашда коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, омманинг ижодий ғайрат-шижоатини оширишда биринчи даражали роль ўйнайди.

(Ўрток Л. И. Брежневнинг партия XXVI съездида қилган Ҳисобот докладидан).

Партиямиз XXVI съездида пропагандистлар, лекторлар, агитатор ва докладчиларнинг ишларига муносиб баҳо берилди. Шу билан бирга улар олдига ғоят муҳим вазифалар қўйилди. Ана шу вазифалардан энг асосийси— пропаганда ишини коллектив ҳаёти билан узвий боғлаб олиб бориш, расмиятчилик ва қироатхонлик кўринишларига барҳам беришдир.

Бирлашмамизни н г кўп сонли пропагандистлар отряди сафида мен ҳам умум ишига муносиб ҳисса қўшишга интиляпман. Коллективнинг қандай нафас олаётгани, социалистик мусобақанинг бориши, илғор тажрибаларни ўрганиш, ҳар бир суҳбатни коллектив вазифалари билан узвий боғлашга кўп куч-ғайрат сарфлаяпман.

Пропагандист доимо ижодий изланиши, аввало унинг ўзи янги ташаббусларни бошлаб бериши, илғор тажрибаларни қўллаб қувватлаши ва кенг ёйиши керак. Бу ҳар биримиз учун жуда шарафли вазифа ҳисобланади.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ижрони контроль қилиш ва текширишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори биз учун дастуруламал бўлмоғи керак. Негаки, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текширишга эътиборни кучайтириш доимо муҳим аҳамиятга эга. Бу уни изчил ва бекаму кўст адо этишга катта таъсир кўрсатади. Мен қуюв цехи коллективи ўртасида олиб борилаётган суҳбатларда ана шуни муттасил уқтириб бораман. Қолаверса, бу коллективимиз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришнинг бош омилидир.

Бизда М. Шабалин, У. Мўминов, Г. Мокшенцев сингари ишчилар доимо ижодий ташаббускорлик намуналарин, кўрсатишмоқда. Шу кунларда айниқса иқтисод ва тежамкорлик, масалаларига эътиборни кучайтиряпмиз. Бу съезд қўйган муҳим талаблардан биридир. Н. Тожиев ва А. Курков цехда ярим автомат ўрнатишни таклиф этишди. Бу эса меҳнат унумдорлигини анча оширди, моддий ва меҳнат ресурслари, энергия анча тежаладиган бўлиб қолди. Мен уларнинг илғор тажрибалари, таклифларини цехнинг бошқа участкалари коллективлари ўртасида ҳам кенг пропаганда қиляпман. Бу эса озмикўпми коллективимизнинг ҳар бир аъзосида ўз ишига ижодий ёндошиш туйғусини тарбияламоқда.

В. ВЕТРОВ,
В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси пропагандисти.

САМАРАЛИ ТАДҚИҚОТЛАР

Сифатли полимер материалларини ҳосил қилиш борасида ўзбек кимёгар олимлари дастлабки бой тажрибаларни қўлга киритишди. Бундай самарали изланишлар Тошкент Давлат университети химия факультети учун айниқса, қувончли бўлди.

Таниқли олим, профессор А. Йўлчибоев раҳбарлигида яратилган янгилик ўтга чидамли, кимёвий бардошга эга бўлган полимерлар олиш имконини берди. Олимларнинг бу муракқаб тадқиқоти Навоий шаҳридаги химия заводида ишлаб чиқаришга татбиқ қилинади.

«Винилфторид асосида олинган полимерлар» деган йирик илмий ишнинг муаллифи А. Йўлчибоев шу мавзуда бир қатор муҳим қўлланмаларни чоп қилдирди. Яқинда босмага тайёрланган «Квант химиясидан қўлланма» деб номланган китоб олимнинг кўп йиллик илмий-педагогик тажрибалари асосида ёзилди.

А. АЛИЕВ.

Тошкент метрополитенининг иккинчи навбати қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Асосий қурилиш ишларини «Ташметрострой» тресги бунёдкорлари олиб бормоқдалар. Мана бу фотолавҳаларда метрополитен иккинчи навбатининг Лоҳутий кўчаси билан Космонавтлар проспекти туташган ерда бунёд этилаётган Ойбек станцияси қурилиши акс этган. Бу объект қурилишини трестнинг 1.махсус механизация бошқармаси қурувчилари олиб бормоқдалар.

М. Нуриддинов фотолари.

КИНОАКТЁРЛАР ТЕАТР СТУДИЯСИ

Москвадаги Бутунittифоқ Давлат кинематография институти истеъдодли ёш ўзбек санъаткорлари учун ҳам чинакам билим, ижод ва маҳорат масканига айланиб қолди. Ҳозир бу ерда Ўзбекистондан борган бир группа студентлар атоқли санъаткорлар устозлигида ижод сирларини пухта ўрганмоқдалар.

Бу улкан санъат даргоҳи ҳузурида махсус актёрлик группасининг ташкил топиши нур устига аъло нур бўлди. Мазкур группа «Ўзбекфильм» студиясига малакали кадрлар тайёрлайди.

Яқинда яна бир хушхабар тарқалди. Ана шу актёрлик группаси учун Тошкентда алоҳида театр —студия очишга қарор қилинди. Республика кинематографчилар союзи жойлашган бинодаги иккита катта зал бу театр студия ихтиёрига берилади. Ўзбекистон кинематографчилар союзи ташаббуси билан амалга оширилаётган бундай ибратли маданий тадбирлар ёшлар ижодий камолатида муҳим босқич бўлиб хизмат қилади.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ЯНГИ УРУШ ХАВФИГА ҚАРШИ

Сентябрнинг дастлабки кунларида Европанинг кўпгина мамлакатларида урушга қарши ҳаракатлар тўлқини яна мавж урди. Минг-минглаб кишилар «Американинг ядровий ракеталари Европа диёридан олиб кетилсин!», «Нейтрон ажали даф қилинсин!»— деган шиорлар билан кўчаларга чиқиб, Америка империализмининг Европа қитъасида «чекланган» ядро уруши деб аталган уруш бошлашдан иборат телбанамо режаларига қарши норозилик изҳор этдилар.

Фашистлар Германияси чиқарган иккинчи жаҳон уруши бошланганлигининг 42 йиллиги кунида ўтказилган бу оммавий намойишлар Вашингтоннинг авантюрачилик йўли қитъа халқларига бундан ҳам анча даҳшатлироқ хавф солаётганлигига қарши курашга жамоатчиликни сафарбар қилиши лозим. Сўнгги уруш 50 миллиондан ортиқ кишининг ёстиғини қуритган бўлса, янги ядро авантюраси инсон зоти ҳаёт-мамоти масаласини ўртага қўяди.

Шу сабабли Американинг салкам 600 та янги ядровий ракетасини НАТОнинг бир қанча мамлакатларида жойлаштиришга ҳозирлик кўрилаётганлиги ва АҚШ президенти Рейганнинг, аввало, Европадаги уруш ҳаракатлари учун мўлжалланган нейтрон қуроли ишлаб чиқаришга киришиш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори қитъада қудратли норозилик ҳаракатига сабаб бўлди. Вашингтон билан НАТОнинг хатарли режалари жамоатчиликнинг кенг доиралари билан оппозициянигина эмас, шу билан бирга Ғарбий Европа мамлакатларида ҳукмронлик қилаётган партияларнинг анчагина қисмини ҳам жуда ташвишга солиб қўйди. Масалан, Норвегия, Дания, Швеция, Голландия ҳукуматлари, инглиз лейбористлари, ГФРнинг таниқли социал-демократлари Рейганнинг нейтрон қуролини ишлаб чиқариш тўғрисидаги қарорини қораладилар.

Совет Иттифоқининг қуролланиш пойгаси янги даврасн бошланишига йўл қўймасликка, қитъада ракета-ядро қуролларини кўпайтиришни тўхтатишга қаратилган тинчлик ташаббуслари бутун дунёда ва шу жумладан Ғарбий Европада кенг миқёсда ижобий назар билан кутиб олинди.

Ҳалокатли термоядро урушига хатарли равишда яқинлашишга йўл қўймайдиган бирдан-бир энг тўғри восита — музокаралардир.

В. СЕРОВ,
ТАСС шарҳловчиси.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТЕЖАМКОРЛИК—КОММУНИСТИК ҲИСЛАТ

ИЖОДИЙ ФИКР САМАРАСИ

«Ихтирочилар ва рационализаторларнинг ижодкорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин. Ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда илмий-техника жамиятларининг роли кучайтирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

Коллектив сўнгги йилларда ишлаб чиқаришда қўлга киритилган салмоқли ютуқлар яшга катта эътибор билан қараш, бирлашмада фан-техника ютуқларини кенг жорий этиш натижасидир. Ўнинчи беш йиллик мобайнида «Средазкабель» бирлашмасида 60 та янги буюм ва технологик жараёнлар ўзлаштирилди, давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган буюмлар умумий маҳсулот ҳажмида 53 процентни ташкил этди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда цех ва бўлимлар, жамоатчилик асосидаги конструкторлик ва технология бюроси ижодий коллективлари, ихтирочилар ва рационализаторлар фаол иштирок этишди.

Ихтирочилар ва рационализаторлар томонидан ўнинчи беш йилликда 4,3 миллион сўм фойда келтирадиган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича олинган мажбурият 104 процент адо этилди. Маъмурият, корхона партия комитети ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан амалга оширилган самарали ишлар бу ютуқнинг қўлга киритилишига ёрдам берди. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализторлар жамияти республика ва область советлари катта ёрдам беришди.

Ихтирочилик ва рационализаторлик иши бўйича мусобақада 01, 02, 05, 09, 22, 28-цехлар, бош технология бўлими, бош конструкторлик бўлими, А. Манюхин бошлиқ жамоатчилик асосидаги конструкторлик бюроси, 01-цех слесарлари А. Титов, А. Вахрушев бошчилигидаги комплекс ижодий бригадалар голиб деб топилди. «Энг яхши рационализатор» номига 28-цех бошлиғи Е. Ерофеев, 04-цех механиги И. Ануфриев, 02-цех слесарлар бригадаси бошлиғи А. Овчаров ва бошқалар сазовор бўлдилар.

Корхонада йилда икки марта иқтисод ва тежамкорлик кўригига якун ясалади, голибларга совринли ўринлар ва пул мукофотлари берилади.

Иқтисод ва тежамкорликдаги энг яхши таклифлар бўйича конкурсда геофизик кабелларни такомиллаштириш ҳақидаги таклифларнинг муаллифлари — М. Марьин, А. Козлитин, А. Дергачев, юқори кучланишли кабелларга материал сарфини камайтириш бўйича таклиф муаллифи — 01-цех технологи Л. Пак голиб чиқдилар.

Бирлашма новаторлари буюмлар сифатига талабни сусайтирмасдан маҳсулотга кетадиган меҳнат ва материаллар сарфини камайтиришга катта аҳамият беряпти. Бунинг йўлларидан бири бир материални иккинчи арзонроқ, таги мўлроқ материаллар билан алмаштиришдир. Жумладан, «Геофизик тадқиқотлар учун фторопласт ва резина қоришмасидан тайёрланган изоляцияли кабеллар» рационализаторлик таклифини оширишга қаратилган қўпгина вазифаларни ҳал этишади. Бу вазифаларнинг ҳал этилишига ҳар вақтдагидек корхонанинг ижодий фикр эгалари муносиб ҳисса қўшишади.

Н. ГРИГОРЬЕВ,
«Средазкабель» бирлашмаси ихтирочи ва рационализаторлар бюроси бошлиғи.

Н. СКРЕПЛЕВ,
бирлашмада чиқадиган қўл нусхали «За электрификацию» газетаси редактори.

«Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қўплаб нўтарма кранлар тайёрлаб бермоқда. Ишлаб чиқарилаётган механизмларнинг катта бир туркуми темир йўл транспорти ходимлари ихтиёрига жўнатилди.

СУРАТДА: техника назорати бўлими назоратчиси Анна Иванова тайёр маҳсулотни жўнатишдан олдин унинг сифатини кўздан кечиряпти.

М. Нуриддинов фотоси.

◆ РЕСПУБЛИКА БУЙЛАБ

БОҒЛАРНИ БИОЛОГИК ИХОТА ЭТИШ

Республиканинг ўрмончилари тоғлардаги боғларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан биологик ихота этиш методини қўллай бошладилар. Улар олма қуртига қарши курашда илк бор трихограмма ишлатдилар. Наманган ўрмон хўжалигида юз гектар олмазорга нафли ҳашаротлар қўйиб юборилди. Айни маҳалда Чирчиқ ўрмон хўжалигининг тоғлик зонасидаги катта ёнғоқзор ва мевазорларга ҳам «қанотли посбонлар» десанти туширилди.

Тошкент ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмасида биологик лаборатория барпо этилди. Бу ерда ҳашаротларни урчитадиган механизациялашган икки линия ўрнатилди. Ҳашаротлар 14 минг гектар боғ ва ёнғоқзорни ўз ҳимоясига олади. Сурхондарё, Самарқанд областлари ва Қорақалпоғистон АССРнинг ўрмон хўжаликларида ҳам шундай лабораториялари ташкил этиш мўлжалланади.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

«Тинчлик ва социализм учун»

КОПЕНГАГЕН. Копенгагендаги «Тиден» нашриёти данияликлар тилида кўп нусхада босиб чиқарган тўплам «Тинчлик ва социализм учун. КПСС XXVI съезднинг ҳужжатлари ва сўзланган нутқлари» деб аталди. Тўпламга КПСС Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари, совет коммунистлари анжуманининг бошқа материаллари киритилган.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев докладида совет коммунистларини тўлқинлантираётган проблемалар аниқ-равшан ва чуқур анализ қилиб берилган, деб ёзади тўпламнинг сўз боши да Дания Компартияси Марказий Комитети Ижроия комитети ва Секретариатининг аъзоси И. Нерлунд. У Дания Компартияси делегацияси составида КПСС XXVI съездида ҳозир бўлган эди. Мазкур ҳужжат марксизм-ленинизмнинг янада ривожлантирилишидир.

Докладнинг тинчликни мустаҳкамлаш учун курашни давом эттириш проблемаларига тааллуқли қисмлари бутун жаҳон жамоатчилигида айниқса, зўр таассурот қолдирди.

Л. И. Брежнев съезднинг мўътабар минбаридан туриб кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган қонкрет ташаббусларни олга сурди. Бу таклифлар бironта ҳам мамлакатнинг миллий манфаатларига зиён етказмай, аксинча барча давлатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушади, чунки бу таклифлар уруш хавфини бартараф этиш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатликка эришиш йўлларини кўрсатиб турибди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари Совет Иттифоқининг тинчлик сиёсатига содиқлигини, Совет Иттифоқи мулоқатни давом эттиришга, олий даражада учрашувлар ўтказишга, қурол-яроғларни ўзаро қисқартиришга интилаётганлигини таъкидлади.

СССРнинг муваффақиятлари, деб уқтиради автор, ҳозирги дунёда содир бўлаётган ҳамма ишларга ўз таъсирини ўтказмоқда. Л. И. Брежнев ўз докладида айтган қўйидаги сўзларда чуқур ҳақиқат мужассамлашгандир: «Социализм бирон даражада таъсир ўтказмаётган бironта мамлакат ёки мамлакатлар группаси, бironта ҳам годвий ёки сиёсий оқим йўқ. Нигирманчи аср охирининг реаллиги ана шундай».

СОВЕТ ОЛИМЛАРИНИНГ ТУҲФАСИ

ХЕЛЬСИНКИ. Бу ерда совет авторларининг геология ва кончиликка бағишланган 200 дан кўпроқ китоби Финляндия геология илмий-тадқиқот институти ва олий политехника мактабига совға қилиб топширилди.

Ана шу китоблар СССР Фан ва техника давлат комитети томонидан Хельсинкидаги Совет маданияти ва фани уйида ташкил қилинган «Кончилик машиналари ва асбоб-ускуналари» виставкасида икки ҳафта мобайнида намойиш қилинди.

Хельсинкидаги геология илмий-тадқиқот институти директори профессор Калеви Кауранне шу туҳфани қабул қила туриб, бу олийжаноб иш ҳар иккала мамлакатнинг олимлари билан мутахассислари геология ва кончилик иши соҳасида қалин ҳамкорлик қилаётганликларидан далолат беради, деб таъкидлади. Бу нарса халқларимиз тинчлиги ва ҳамжиҳатлиги йўлида мамлакатларимизнинг манфаатларини кўзлаб шу тармоқда алоқаларни янада самарали ривожлантиришга ёрдам беради.

«ҲИНДИСТОН САНОАТИНИНГ ИФТИХОРИ»

ДЕҲЛИ. Нефть, химия саноати ва ўғит ишлаб чиқариш министри П. Ч. Сетхи Матхурдаги (Уттар-Прадеш штати) нефтни қайта ишлаш заводини «Ҳиндистон саноатининг ифтихори» деб атади. У корхонани кўриб чиқанидан кейин бу ерда журналистларга қуйидагиларни хабар қилди: ҳозирги вақтда заводда созлаш-ишга тушириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Министр Ҳиндистон —Совет иқтисодий ҳамкорлигига юксак баҳо берди. Бу ҳамкорлик туфайли Ҳиндистоннинг иқтисодий картасида неча ўнлаб янги саноат объектлари пайдо бўлди.

Матхур заводи ҳар йили олти миллион тоннадан ортиқ нефть маҳсулотлари —бензин, керосин, дизель ёқилғиси ва қорамой, мазут ишлаб чиқаради.

Матхур заводини нефть химияси соҳасида ҳақли равишда миллий кадрлар тайёрловчи маскан деб атайдилар. Қурилиш йилларида Совет Иттифоқининг бевосита ёрдами билан бир неча минг ҳинд ишчилари ва техниклари тайёрланди. Улар корхона ишга туширилиши билан замонавий мураккаб ишлаб чиқаришни бошқаришни ўз қўлларига оладилар.

Матхур заводи Ҳиндистонда СССРнинг кўмаги билан қурилаётган учинчи нефтни қайта ишлаш комбинатидир. Барауни ва Койяли заводлари мувафақиятли ишлаб турибди. Мамлакатда истеъмол қилинаётган нефтнинг учдан бир қисми шу заводларда қайта ишланмоқда. Матхур комбинатининг ишга туширилиши фан ва техника соҳасида Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигини муваффақиятли ривожлантиришда янги босқич бўлиб қолади.

УЧИГА ЧИҚҚАН РИЁКОРЛИК

ЛОНДОН. Британия парламенти «Жиноий ниятлар тўғрисида қонун» деган янги қонунни қабул қилганини мамлакат жамоатчилиги ҳукумат маъмуларининг учига чиққан риёкорлиги деб баҳолади. Бу қонуннинг қоидаларига кўра, полиция «шубҳали» деб ҳисоблаган ҳар қандай киши ушланиб, қамаб қўйилиши мумкин.

Буюк Британия аҳолисининг кенг табақалари таажжуб остида «Дайдилик тўғрисида акт» деган машҳур қонуннинг 4-моддаси бекор қилинганидан кейин орадан бир неча кун ўтгач, янги қонун қабул қилинди. Мазкур 4-модда полициянинг фикрича, «шубҳали» бўлиб кўринган ёки ўзини шубҳали тутган барча кишиларга нисбатан қўлланилар эди. Бу акт асосан Британиянинг собиқ мустамлакаларидан келиб Англияда истиқомат қилаётган кишиларга нисбатан қўлланилганлигини тажриба кўрсатди. Полициячилар шу актни рўкач қилиб, қора танли, асосан ишсиз гражданларни кўчанинг ўзида тинтув қилишар ва ушлаб олиб қамашар эди. Ўзга мамлакатлардан келиб Лондон, Ливерпуль, Манчестерда, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ўрнашиб олган аҳолининг оммавий ғалаёнларига, жумладан, полициячиларнинг қонунларни бузиб қўйилган бедодлиги сабаб бўлган эди.

Жамоатчилик и н г тазйиқи билан «дайдилик» тўғрисидаги актнинг 4-моддаси ниҳоят бир ҳафта муқаддам бекор қилинган эди. Бироқ юқорида зикр этилган «Жиноий ниятлар тўғрисидаги қонун» мазкур моддакинг ўрнини олди. «Полис ревью» журналининг уқтириб ёзишича, «Одамларни қамоққа олиш учун полициядга шу қадар кенг имкониятлар бериб қўйилдики, полициянинг ўзи буни ҳатто орзу ҳам қилмаган эди».

Британия қонун чиқарувчиларининг жамоатчиликни чалғитиш учун қилган уринишлари мамлакатдаги норозиликларнинг янги тўлқинига сабаб бўлди. Юрист Жереми Смитнинг айтишича, полициянинг бемалол ўзбошимчаликларига йўл очиб берадиган янги қонун қора танли британияликларнинг тағин ҳам оммавий равишда ғалаён бошлашига олиб бориши мумкин.

А. БИРЮКОВ.

СССРга ЧУҚУР МИННАТДОРЧИЛИК

ДОРУССАЛОМ. Бу ерда СССР Қизил крест ва Қизилярим ой жамиятлари иттифоқининг Танзания Қизил крест жамиятига туҳфасини тантанали вазиятда топшириш маросими бўлди. «Павлоград» теплоходи Танзания пойтахтига Жанубий Африка Республикасидан қочиб келиб Танзанияда яшаётган қочоқлар учун ва қурғоқчиликдан зарар кўрган аҳоли учун дори-дармон, кўрпа-ёстиқлар, палаткалар ва болалар озиқ-овқати олиб келди.

Танзания Қизил крестининг бош секретари М. Макенжа бегараз ёрдам учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди. У Совет ва Танзания халқлари ўртасида дўстона алоқаларни ривожлантиришга Танзанияда катта эътибор берилаётганлигини таъкидлади.

ЯНГИ ТАШВИШЛАР ИСКАНЖАСИДА

НЬЮ ЙОРК. Иқтисодий мушкулликларнинг асосий қурбони бўлган америкалик меҳнаткашлар бундан ҳам оғир ташвишларни бошидан кечиришлари кўриниб турибди. «Бизнес уик» ҳафтаномасининг тахмин қилиб ёзишича, 1982 йилда ишсизлик даражаси қарийб 1 процент кўтарилади ва АҚШнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг тахминан 8,2 процентини ташкил этади. Бундан ташқари кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, истеъмол моллаларининг нархи, айниқса озиқ-овқат маҳсулотлари ва ёнилғи нархи кўтарилиб бораверади, деб таъкидлайди журнал.

ЛИХТЕНШТЕЙНДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?

ЖЕНЕВА. Сўнгги йиллар мобайнида жаҳжигина Лихтенштейн князлигида солиқларнинг пастлиги бу ерга қўшни мамлакатлар, биринчи навбатда Швейцария аҳолисининг эътиборини жалб этиб қолди. Натижада, деб хабар қилади Лихтенштейннинг статистика хизмати, унинг баъзи районларида ажнабийларнинг сони ҳозир аҳоли умумий сонининг 35—40 процентига етади.

Лихтенштейн ҳукумати ўз гражданларини иш ва ўй-жой билан таъминлаш соҳасида ҳозирдаёқ маъмурлар олдига жиддий муаммоларни қўйган иммиграцияни чеклаш чораларини кўришга мажбур бўлмоқда.

ЭРИШИШ ҚИЙИН БЎЛГАН БОЙЛИК

НЬЮ-ЙОРК. «Нью-Йорк санди ньюс мэгэзин» журнали «Қимматга тушадиган қувонч» деган сарлавҳа остида мақола эълон қилди. Мақолада Қўшма Штатларда фарзандли бўлиш йил сайин эришиш қийин бўлган дабдаба бўлиб қолаётганлиги ташвишланиб таъкидланади. «Бўлгуси ота-оналар, — дейилади мақолада, — фарзандли бўлишга қарор қилишдан олдин бунинг учун жуда чиқимдор бўлишлари кераклигини ўйлаб кўришлари зарур».

«Нью-Йорк санди ньюс мэгэзин» журнали оила фарзанд кўтаётганда харид қилиши керак бўлган барча энг зарур буюмларни санаб ўтиб, аёл туғруқхонада бўлган вақтда, фарзанд дунёга келгунча сарфланадиган маблағлар америкалик оилага 11 минг долларидан кўпроққа тушади, деган хулосага келади. Буни таққослаш учун шунча миқдордаги маблағ тахминан ўртача америкалик оила йиллик даромадининг ярмига тенг эканлигини айтиш мумкин.

Апрель революциясининг душманлари олиб борган сохта пропаганда таъсирига берилиб, ватанидан кетиб қолган афғон халқи ватанига қайтиб келмоқда. Ўтган йили Афғонистонга ўн минглаб кишилар қайтиб келдилар Бу — мамлакат аҳолисининг Халқ демократик партияси ва Афғонистон Демократик Республикасининг ҳукумати олиб бораётган сиёсатга ишончи мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

СУРАТДА: ватанига қайтиб келаётган афғон оиласи.

«ЎН БЕШЛАР ТАШАББУСИ» — АМАЛДА

ИЗДОШЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗ пойтахтининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йиллинда ҳам шаҳар халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини иқтисодий ва социал жиҳатдан комплекс ривожлантириш йўлида кўтаринки руҳда меҳнат қиляптилар. Республикамиздаги ўн беш ишлаб чиқариш илғорларининг ўн биринчи беш йилликда икки беш йиллик ва ундан ҳам кўп топшириқларни бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуслари ана шу фикрнинг яна бир далилидир. Бу ташаббус бугунги кунда бутун республикамиз бўйлаб қулоч ёйди. Ташаббус издошлари бўлган минглаб тошкентлик меҳнаткашлар ўзларининг берган сўзлари устидан чиқишяпти. Фикримизнинг далили учун бир неча мисоллар келтирамиз. «Ўнлар ташаббуси» қатнашчиси «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчиси, Тошкент шаҳар Совети депутати Шоира Ҳолмуҳамедова ўнинчи беш йилликда уч минг кишилик коллектив ўртасида рекорд қўйган эди. Бугунги кунда бирлашмада янги ватанпарварлик ташаббусини биринчи бўлиб бошлаб берган тўқувчи, Киров район Совети депутати Машкура Қодирова номи тез-тез тилга олиняпти. Илғор ишчи коммунистга хос ҳислат намунасини кўрсатди — «Ўн беш ишлаб, Тошкентнинг 2 минг йиллигини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олишга аҳд қилди. Машкура ўз дастгоҳида шонли сана нишонланадиган 1983 йил сентябригача икки беш йиллик шаҳсий топшириғини бажариш юзасидан ошириган мажбурият қабул қилди. Ҳозир у мажбуриятини муваффақиятли адо этиб, 1982 йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига меҳнат қиляпти. Ана шундай фидойилар туфайли бирлашманинг йил бошидан буён планга қўшимча равишда савдо ташкилотларига етказиб берган трикотаж маҳсулотлари бир миллион сўмликка етди.

Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида олтмишдан ортиқ чевар ана шу шиор асосида меҳнат қиляпти. Бундай илғорлар орасида Р. Шокирова, Г. Қурбонова, Р. Шамова, Д. Зоҳидова, М. Султонбекова, Ё. Азизова ва бошқалар бор. Уларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бирлашма 250 минг сўмликдан зиёд хотин-қизлар кийим-кечакларини тайёрлаб чиқарди.

Давлат планларини ва қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишида «Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмасининг чеварлари ҳам жонбозлик кўрсатишяпти. Ўтган беш йилликда коллективда биринчи бўлиб шахсий беш йиллик топшириғини ярим йилда бажарган тикувчи Зинаида Яковлевна Лебедева илғорлик байроғини ҳамон баланд кўтариб келяпти. «Ўн бешлар ташаббуси»га қўшилган меҳнат ветерани ўнлаб ишчиларни ўз ортидан эргаштиряпти. Аралаш касбни эгаллаб, қунига икки нормадан, ҳатто ундан ҳам ошириб иш бажаряпти. Ленин район Советининг депутати сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда ҳамкасбларига намуна бўляпти.

Шаҳар қурилиш бош Бошқармасига қарашли пардозлаш трестининг 28-қурилиш бошқармаси бўёқчиси, шаҳар Совети депутати Елена Липецкая ҳам намуна кўрсатиб ишлаяпти. У аъзо бўлган республикада ҳизмат кўрсатган қурувчи Раиса Полиевтова бошлиқ ҳамда Сотиболди Мирхолдоров бошлиқ бригада ва бошқа коллективлар «Ўн бешлар ташаббуси» асосида меҳнат қилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, химия-фармацевтика, электротехника, «Ташхимсельмаш», «Миконд» заводлари, «Учқун» тўқимачилик-галантерея, «Чевар» тикув ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ўнлаб корхона ишчилари ҳам илғорликка эришмоқдалар. Илғор коллективларнинг ишдаги ютуқлари туфайли шаҳримиз меҳнат аҳли йил бошидан буён планга қўшимча равишда қарийб ўттиз олти миллион сўмлик саноатнинг энг муҳим турлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишга муваффақ бўлдилар.

А. ОБИДХЎЖАЕВ.

Коммунист Йўлдош Шамшиматов йигирма бир йилдан буён «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг иккинчи филиалида мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаб келади. Бу ишчи тўқув дастгоҳларининг бир маромда бузилмай ишлашини таъминлаб келяпти. Мастер ишдан чиққан станокларни бир зумда тез ва соз ремонт қилиб беради.

СУРАТДА: И. Шамшиматов.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Партия турмуши: ҳисобот ва сайловлар

Ташаббускорлик самараси

«Ташкенткабель» заводининг механика цехидаги контроль кабеллар участкасида ишлаб чиқаришни интенсивлаш натижасида бўшаб қолган 6 ишчидан бутун бир бригада тузилди. Ишчи Фахриддин Шамсиддинов бошлиқ партия группаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун кураш ташаббускори бўлиб чиқди.

Ф. Шамсиддинов бир йил муқаддам ишлар қийин пайтда партия группасининг ташкилотчиси қилиб сайланди. Куч ва контроль кабеллар цехи планни бажара олмаган эди. Фахриддин меҳнат қилаётган участка коллективи ҳам ҳақли равишда кўпгина таъналар эшитарди. Бу ерда илғор тажриба суст оммалаштирилар, янги машина-ускуналар аста-секин ўзлаштирилар, меҳнат интизоми талабга жавоб бермас эди. Мис сим ишлаб чиқарадиган янги автомат линия айниқса кўп ташвиш тўғдирарди. Бу линияни узоқ вақт давомида лойиҳадаги қувватга етказиб бўлмади.

Ушанда Ф. Шамсиддинов янги ускунани ўзлаштиришни ўзига топширишни цех раҳбарларидан илтимос қилди. У янги ишга астойдил киришди, техникага оид китоблар ўқиди, схемаларни ўрганди.

Ф. Шамсиддинов партия группасининг йиғилишида коммунистларнинг социалистик мусобақада иштироки ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб туришни таклиф қилди. Кўп ўтмай меҳнат ветеранлари, коммунистлар Елена Парфенова ва Усмон Иброҳимов участкада илғор тажриба мактабини ташкил этганликлари ҳақида ўртоқларига ахборот бердилар. Бу мактабда ўнлаб ишчи ўз малакасини оширди. Бу эса кўпгина ишчиларга турдош касбларни эгаллашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга ёрдам берди.

Партия группаси ташкилотчиси Ф. Шамсиддинов ва унинг коммунист ўртоқларининг куч-ғайрати билан янги автомат линия қисқа вақт ичида лойиҳада белгиланган қувватга етказилди, мис сим ишлаб чиқариш икки баравар кўпайди. Коллективда ягона наряд асосида ҳақ тўланган ҳолда меҳнатнинг бригада методини жорий этиш юзасидан олиб борилаётган иш кучайтириб юборилди. Бу тадбир ҳам ишлаб чиқаришнинг қўшимча резервларини ишга тушириш имконини берди.

Партия группасининг ҳисобот-сайлов йиғилишида Ф. Шамсиддинов яна унинг раҳбари қилиб сайланди. Партия группасининг фаолияти цех коллективига саккиз ойлик топшириқни муваффақиятли равишда бажаришга, корхонада социалистик мусобақа пешқадами бўлишга ёрдам берганлиги йиғилишда таъкидлаб ўтилди.

(ЎзТАГ).

«Тошкент оқшоми»да босилгандан кейин

«Боғча атрофидаги тоғ»

Собир Раҳимов районидаги 434-болалар боғчаси атрофидаги территория ахлатхонага айлантирилгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

«Автодормехбаза» шаҳар ишлаб чиқариш трестидан хабар қилиниши ва, бу районда машиналарнинг нормал қатнови йўлга қўйилди. Мазкур масалани назорат остига олиш Собир Раҳимов район «Автодормехбаза»си раҳбарлари зиммасига юклатилди.

«Нега сарсон қилишади?»

Маиший хизмат уйи ва Қорақамиш 1/3 массивидаги айрим уйларга иссиқ сув яхши етказиб берилмаётгани юқоридаги сарлавҳа остидаги материалда танқид қилинган эди.

Собир Раҳимов район уй-жой эксплуатацияси трестидан олинган жавобда кўрсатилишича, иссиқ сув таъминоти нормал йўлга қўйилган.

«Ҳаммомдаги ҳангома»

Шу сарлавҳа остида берилган материалда 20-ҳаммомда аҳолига хизмат кўрсатиш кўнгилдагидек бўлмаётгани танқид қилинган эди.

5-ҳаммом-кир ювиш комбинати маъмуриятидан олинган жавобда кўрсатилишича, газетада айтилган нуқсонлар бартараф этилган. Ҳаммом капитал ремонтдан чиқарилди. Нуқсонларга йўл қўйган ҳаммом мудири Н. Нуъмонов ва механик Носиров ўртоқларга назоратни сусайтирганликлари учун виговор эълон қилинди.

60 ШУКРУЛЛО

ҲИКМАТЛИ ШЕЪРИЯТ

Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло шеъриятни нондек азиз ва муқаддас, табаррук деб билади. Шукрулло нуқтапош қаламидан кўз очган шеърларини ўқувчилари билан бирга нондек баҳам кўради. Зариф туйғуларини, ўй-ташвишларини, мушоҳадаларини ўртага нондек ушатиб қўяди, биз билан бўлишади.

Биз қуёшнинг иноятига, марҳаматига кўникиб кетганмиз. Гарчанд, ҳамма юракларда ҳам қуёш алангаси доимо ловуллаб турмаса-да, лекин шеъриятга ром этади, бу нарса ҳам, ўз навбатида, шеърнинг ички композициясига ҳамда поэтик образлар системасига бўйсундирилган бўлади.

Шукруллонинг 60-йиллар бошида индивидуал услубининг бир белгиси сифатида зуҳур топган ушбу хусусият сўнгги йилларда собит қатъият касб этди. Хусусан, Шукрулло услуби ҳаёт ва воқеликни кузатишдан орттирилган кечинмалар, фикрлар силсиласи асосида поэтик умумлашмаларнинг кўламдорлик чинмаларга берилиш ва унинг ҳосиласи сифатида фожиий оҳангларнинг устиворлиги унчалик характерли эмас. Шукрулло лирикаси учун муайян бир ҳаёт хоссасидан ёҳуд воқеа-ҳодисалар кўриниши — фактлардан маънавий-ахлоқий масалаларни кўтариб чиқиш ва ана шу жараёнда инсон табиатидаги, инсон шахсиятидаги ижобий, етакчи белгиларни биринчи планда кўрсатиш кўпроқ ҳосдир. Бу нарса ўзининг бадиий ифодасида сюжетли шеърларни юзага келтиради.

нонннинг мағзи ва иссиқлиги нурдек лозимдир. Шу маънода, Шукрулло лирикасидан маънавий ҳаётимизни безовчи самимият ва табиийлик тандирдан узилган иссиқ нондек кишини ўзига жалб этади.

Шукруллонинг ҳаётни, воқеликни ўзига хос тарзда кўриб, поэтик талқин этувчи нигоҳи бор... Қадимги афсоналарда бир йигитнинг сеҳрли бармоқлари ҳақида ҳикоя қилинади. Эмишки, у мўъжизакор бармоқларини бир бор теккизса, бас, қоялар олтин тоғларга, шипшийдам толзорлар шиғил мевалари ларзон боғларга айланиб қоларкан, ариқлардан сув ўрнига асал оқаркан... Шоир-ёзувчиларнинг ҳам ана шундай сеҳрли «бармоқлари» бўлади. Бу — уларнинг ҳаётга, воқеа-ҳодисаларга ёндошишдаги мустақил нуқтаи-назаридир, ўзига хос санъаткорлик нигоҳидир.

Шукрулло лирикасининг ўзига хос кўркам қиёфасини белгилаган нарса— бу шоирнинг ҳар бир шеърда ўзига хос тарзда оригинал фикрлай олиши, тафаккур маданиятидир.

«Шоирлар у ёки бу сатрлари билан эмас, балки бадиий оламининг ранг-баранглиги ва теранлиги билан баҳоланадилар. Ҳақиқий шоир китобининг илк саҳифасини очиш— бу унинг поэтик олами эшигини очиб кириб бориш демакдир» (Евгений Винокуров). Шукрулло кўркам ва файзли лирикаси, «Икки қоя», «Россия», «Чоллар», «26-Тонготар», «Оташ ва гул», «Кўнгил чироғи» каби поэмалари, «Жавоҳирлар сандиғи» бадиий-ҳужжатли мемуар асари, қатор драмалари, поэтик таржималари билан ўзига хос маънавий бойлик ярата олди. Шу асосда у адабиётимиз ривожига муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шукруллонинг илк изланишларида, хусусан, 50-йилларнинг бошларида яратган шеърларида кечинмаларни, ҳиссиётларни ва энг муҳими, ҳаётдан, воқеликдан орттирган таассуротларини қоғозга тушириш характерли эди. Шоирнинг 60-йиллардан эътиборан ижодида жиддий сифат ўзгаришлари содир бўлганлигини кузатиш мумкин. Чунончи, Шукрулло лирикасида фикрчанлик, ўйчанлик ёрқин кўзга ташланади; ундаги аналитик мушоҳадакорлик ўзининг эмоционал асоси — ҳиссиётга, психологик кечинмаларга бойлиги, устунлиги билан эмас, балки фикрнинг ривожидаги тафаккур теранлиги, мантиқийликнинг кучлилиги билан касб этиши ҳисобига бойиди.

Конкрет мисолларга мурожаат этайлик. Шукруллонинг поэтик образларида, албатта, ассоциатив ўйлар мавжуд; хусусан, ҳаёт ва воқеликдаги у ёки бу фактдан келиб чиққан ҳолда шоир поэтик ғояни фикрий образ даражасига кўтаради, бу ўринда ҳаётий фактлар фалсафий мушоҳадалар юритиш учун кенг имкониятлар беради. Чунончи, Шукрулло лирикасида инсон тириклигининг, умрнинг поэтик талқини масаласини олиб кўрайлик. (Шоирнинг «Хазон фасли», «Куз», «Жийда», «Куз келди. Баҳорда яшнаб туғилган», «Қуёш оғиб борар кўкнинг четига», «Умр якуни» каби ўнлаб шеърларида ушбу масалага турлича аспектларда поэтик жавоб изланади). Фикрнинг тасдиғи сифатида «Хазон фасли» ва «Умр якуни» шеърларини кўриб чиқайлик.

Боғларда тўкилмиш
қирмизи хазон,
Қошу киприкларга
илашур мезон.
Япроқлар шитирлар,
ёмғир шивирлар,
Шамол куй куйлаган
хазон фасли бу.

Биргина хазон образиёқ инсон умрининг чегарали эканлигини англатувчи мазмун касб этади; тирикликнинг охиратини, умрнинг ниҳоясини эслатиб туради. Лирик қаҳрамон кўз ўнгида «Бир афсус чеккандек тебранар терак», «Кимдир ўз умрининг маҳсулидан шод» бўлса, кимлардир оғир, надоматли ўйларга чўмган. Қиз-йигитлар висол тўйини ўтказаётган эрса, турналар оғир-оғир қанот қоқиб олисларга учиб кетаётир; уларнинг бўғиқ овозидан ҳижрон садолари келади. Хазон— шоир талқинида кунларимизнинг, йилларнинг, умрнинг ўткинчилигининг англатувчи фалсафийликка эга бўлган рамзий маъно касб этган.

Тўкилди чинорнинг
сўнгги япроғи,
Қиссанинг ёпилди
гўё вароғи.
Чинор мағрур боқар
умрдан мамнун.
Худди мен ўйлаган
хазон фасли бу.

Гарчанд, чинорнинг сўнгги япроғи тўкилган эса-да, у ўз умридан мамнуният ҳиссларини туяди. Ана шу мамнуният ҳисси чинорнинг умри бесамар ўтмаганлигини, одамлар ҳаётига нафи текканлигини англатиб туради.

Шукрулло лирикасида Асқад Мухтор шеърларидаги каби умрнинг ўткинчилиги олдида, ҳаётнинг бешафқатлиги, тирикликнинг асл моҳияти рўпарасида драматик ке-

Хусусан, бирон-бир ҳаётий факт хусусида афористик характерда фикр юритиларкан, ушбу воқеа-ҳодисадан аксарият ҳолларда ахлоқий сабоқ маъносидаги маънавий — эстетик хулосаларга келинади. Ҳаётий фактлар ёҳуд воқеа-ҳодисалар моҳияти Шукруллонинг образли— ассоциатив фикрлари учун, ижтимоий, ахлоқий умумлашмаларга келиш учун замин вазифасини ўтайди.

Бу нарса, аввало, Шукрулло лирикасининг марказида турган инсон ва унинг жамият, ҳаёт олдидаги маънавий бурчи масаласини поэтик тадқиқ этишдаги изланишлари билан изоҳланади. Шоир инсон ҳаётининг, умрининг мазмунини идрок этишга интиларкан, инсон фаолиятининг имкониятларини, умрнинг ниҳоя-чегараларини тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Шу боисданми, Шукрулло лирикасида мавзуга қанчалик конкрет ёндошилса, унинг бадиий талқинидаги образли, поэтик фикр ҳам шунчалик аниқ моҳияти билан гавдаланади. Шу жиҳатдан шоирнинг «Умр якуни» шеърини кўздан кечириш характерлидир.

Албатта, ҳаётдан ҳеч ким ном-нишонсиз кетишни истамайди. Ҳар ким ҳам яшагандан кейин эл-юртининг қалбида қолишни истайди. Бу нарсани ҳар ким ўз иқтидори, маънавий-интеллектуал тарбия даражаси, маданий камоли савиясида ҳал этишга интилади. «...Эл ичида ном қолдиришнинг йўлларин ҳар кимса ҳар хил ўйлайди».

Агар бу дунёда
яшашдан мақсад
Ном қолдириш
бўлса, бу жуда осон.
Қабр тошларига
ёзилган сарҳат
Ўчмай яшай олур
неча минг замон.

Инсон ўз ҳаётини актив фаолияти билан безагиси келади. Шоирнинг поэтик фикри инсон ҳаёти билан моддий борлиқ ўртасида ассоциатив муқоясалар топади. Бунда ҳаётий деталлар, фактлар ўткир коллизияларни вужудга келтиришдан ташқари, энг муҳими, ўқувчини ҳам фикрлашга ундайди. Зеро, инсон ўз меҳнати, фаолияти, умри эвазига одамларда эзгу туйғулар уйғота олади, одамлар қалбида яхшилик бўлиб қолади, ана шу моҳиятига кўра шахс тақдири одамлар ҳаётига уланиб кетади, умрларнинг узвийлиги силсиласини ташкил этади.

Тўғри, инсон умрининг якуни, инсон ҳаётининг шонли якуни йўналишидаги поэтик асарлар шеъриятимизда кўп. Шукруллонинг бу мавзуга ёндошиши ҳам янгилик эмас. Лекин масаланинг эстетик талқини, поэтик ифодаси ўзининг оригиналлиги, бошқа кўплаб шоирлар шеъриятидан фарқли ўлароқ бадиий-эстетик ечими билан ажралиб туради.

Шоир лирикасида инсоннинг маънавий-интеллектуал жиҳатдан гардсизлигини улуғлаш шахс табиатида учраши мумкин бўлган салбий жиҳатларни конкретлаштириб чизиш асосида зуҳур топади. Бу борада аналогия, муқоясага кенг ўрин бериш шоир услубининг бир қиррасини ташкил этади.

Узоқдан ойда ҳам
кўринади доғ,
Яқиндан боқсанг,
тиниқдир балки.
Сиртдан баҳо берма
одамга мутлоқ,
Ёмон деганингнинг
тозадир қалби.

Мазкур усул, аввало, поэтик фикрнинг кенг парвози учун шоирга туртки беради. Шу маънода, айтиш мумкинки, Шукрулло шеърларидаги поэтик фикрнинг асоси муайян ғояни ташувчи образда, аксарият ҳолларда ҳаёт ёки воқеликнинг конкрет фактлари, ҳодисалари моҳиятида мужассамлашган бўлади. Шу жиҳатдан ҳам шоир ҳаёт ва воқеликдаги фактларга, ҳодисаларга бефарқ ёҳуд лоқайд қаролмайди, унинг куйинчак, серташвиш қалби дунё ишлари, юмушлари ила уйғунликда намоён бўлишга интилади.

«Адабиётда яшаш— ўз даври билан ҳамнафас яшаш демакдир. Адабиётда яшаш— ўз даврининг тарихий етакчи тенденциялари билан муштарак фаолиятда бўлишлик, ва шу асосда, барча образлари бойлиги билан ўз замонасига дахлдор бўлиш демакдир». (И. Бехер). Шу маънода, Шукрулло лирикасининг, поэмаларининг, драмаларининг қаҳрамонларига назар ташлар эканмиз, уларнинг фаолиятидан, фикрлаш ҳамда мушоҳада юритиш табиатидан, шахсиятидан замон нафаси, ривожланишда кечган ижтимоий воқеликнинг қайноқ руҳи шундоққина сезилиб туради. Хусусан, шоир қалбидаги беҳаловатлик қаҳрамонлари табиатига ҳам кўчган. Улар инсонийлик бурчи, виждон покизалиги, маънавий ўктамлиги ила ажралиб турадилар.

Шукрулло лирикасидаги ҳаётбахш дидактика ҳаёт гўзаллигини, инсоннинг маънавий— ахлоқий кўркини, инсон меҳрини юксак туйғулар билан олқашга ҳаракат қилади. Йиллар ўтган сайин (мана, қирқ йилдирки, шоир қалами ана шу йўналишда тебранади) гўзаллик ҳақидаги тушунчалар ўзгарса ҳам, бу ҳақдаги тасаввурлар кенгайса ҳам, Шукруллонинг инсоннинг маънавий гўзаллигини куйлашга бўлган меҳри асло сусайгани йўқ; аксинча, тобора кучайиб бормоқда.

Шукруллонинг программ асарларидан бири «Шаррос юз ювди мудроқ дарахтлар» шеърида шундай сатрлар бор.

Умрни баҳорга
қиёс этгулик,
Анҳордек қудратли
шижоатим бор.
Аммо фикрим
лойқа ҳаёлотлардан
Ифлос тўлқинлардан
халос, беғубор.

Шукруллонинг шеър боғи зариф шовулламоқда. Шоирнинг одамларга, ҳаётга нисбатан жўш урган меҳр дарёси лиммо-лим оқаётир.



ШУКРУЛЛО,
Ўзбекистон ССР халқ шоири.

Дунё ва одамлар

Дўстларга соламан гоҳо маслаҳат,
Бирор мушкулимга излайман даво.
«Дунё шундай экан», дейдилар фақат,
Гўё сабабчидай дардимга дунё.

Одамлар хўрласа бир-бирин ноҳақ,
Кимдир бу жабрдан қилса шикоят,
Оламда адолат йўқ каби мутлақ.
Бош силкиб «хаҳ, дунё», дейдилар фақат.

Хаҳ дунё! — дейишар бирор ноқобил
Ногоҳ миниб қолса агар амалга.
Бунинг сабабин ҳам қилишмас таҳлил,
Атрофдан кўз юмиб, толар хаёлга.

Гўдаклар бахтига солиб таҳлика,
Тирик етим қилса бевафо падар,
Наҳот чора йўқдир бешафқатликка,
Наҳот ожиз бўлса одам шу қадар!

Дунё деганлари нима ўзи у?
Нимани англашар дунё деганда?
Баъзилар ҳаётда ўзин ожизу
Ёки санашарми бир ғофил банда?!

Дунё адо бўлар деган нақл бор,
Агар кўтарилса одамдан инсоф.
Бизни туққан дунё нечук гуноҳкор,
Биримиз пок бўлсак, биримиз қаллоб.

Бизнинг тушунчада еру сув, ҳаво,
Нур билан зулматдан иборат олам.
Унда мўъжизалар қилди-ку барпо,
Ўзи мўъжизадай яралган одам.

Дунё кўрки бўлган қасрлар қурди,
Яратди-ю, ўзи чўктирди қонга.
Ўзин ўтга урди, гоҳ сувга урди,
Не деб айб қўймиз яна дунёга?

Дунё ҳаммамизни фарзанди санаб,
Неъматидан ёзди бизга дастурхон.
Чилини жаллодлар қиларкан хароб,
Дунё деб, жим қолиш мумкинми бир он!

Кимдир жафо чекар, кимлардир сафо...
Ҳали бу дунёда ҳамма эмас тенг,
Дўстларим, оҳ чекиб, деманг, «хаҳ, дунё»,
«Хаҳ одамлар» — денглар,
«хаҳ одамлар», — денг.

Зарралар

Ким ҳам ўйламайди замон сирларин,
Баъзан ўйлаб бўлар хафсалам ҳам пир.
Ожиз кўринади бу шеърларим
Атом бомбаларин олдида ахир.

Нега керак менга дунё ташвиши,
Нега керак менга бу ёғоч қалам?
Баъзан синиб кетар муштдек қалбимнинг
Кичкина дардини кўтаролмай ҳам.

Шу кичик бир қалам очилганида
Булбул тумшуғича келмас учи бор.
Қаҳридан тикандек санчилганида...
Тиканнинг заҳрини нима кучи бор.

Баъзан қўл силтайман.
Баъзан қалбимда
Пайдо бўлиб қолар умиддан учқун.
Гоҳо шу кичкина учқун ўрмонда
Даҳшатли аланга бошлаши мумкин.

Баъзан йўлин топиб синган бир томчи
Ўпирган-ку буюк кўприкларни ҳам.
Кичик деб қараймиз баъзан нарсага,
Ахир яралган-ку заррадан олам!

Ахир узоқ йўлни ёрита олур
Кичкина туйнукдан тушган зарра нур.
Ғайри дин, бир ожиз она олдида
Шафқатга келган-ку жаҳонгир Темур.

Йўқ, кичик қаламим ўксима асти,
Атомлар ҳам зарра, шундан ибрат ол!
Оламни ўртамай атом бомбаси,
Сен инсон қалбига шавқат ўтин сол!

* * *

Майли, зарраларга айлансин юрак,
Меҳру дўстлик бўлиб сингсин ҳар танга.
Шеъру юрак менга не учун керак,
Яхшилик қилмаса агар инсонга!

ШОИРНИНГ КЎНГИЛ ДАФТАРИДАН

Ҳақиқий илҳом—бу шоир ўзи ҳақиқатан ҳам севган, бир неча вақтдан бери қалбига чўкиб, унда етилаётган фикрларнинг бирон сабаб билан ҳаётдаги воқеаларга тўқнаш пайтида пайдо бўлган аланга!

* * *

Илҳом қаланган ўтин эмас, менимча, бир неча вақтдан бери қизишиб, бир шамол елпиши билан гуриллаб ёнган олов.

* * *

Шоирлик — бу дард. Унинг хаёлига на молу давлат, на шуҳрат қозониш келади. Аммо ошиқу беқарор мажнунлардан шоирларнинг битта фарқи бор. Ошиқларнинг дарди— ёр васлиги етмоқ. Аммо шоирларнинг дарди ҳам, севмаганлари ҳам беҳисоб. Одамларнинг дарди унинг ҳам дарди, одамларнинг қувончи унинг ҳам қувончи. Бу умрининг охиригача тугамайди. Унинг иш соати ҳам, режалари ҳам чексиз.

* * *

Замонавий мавзуда замонлар умрини кўрадиган асар яратмоқ учун замон одамларининг қалбини кўра билиш керак экан. Муҳим нимаю, номуҳим нима, ажрата билиш керак экан.

* * *

Ёзувчи ўз ақлини таниган онидан севгига ҳам, касбу корига ҳам, ўқишга ҳам, хуллас, ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисаларга ўз шахсий истаклари нуқтаи назаридан ёндашмай, ҳар бир нарсага нима учун бу бундай, буни ундай қилса бўлмасмикан, деб умуминсоний кўз билан қараб, хулоса чиқаради.

* * *

Асарнинг ғояси ҳамиша авторнинг дунёқарашидан, юракдан чиқади.

* * *

Ёзувчининг асари — иморат. Сен солаётган иморатингнинг деворларини бошқалар кўтариб берса, томини тезроқ ёпишга ёрдамлашса, одамларнинг бошпаналик бўлишидан қувонмоқ керак.

* * *

Етилган неъматларни деҳқон вақтида узиб олмаса, у албатта чириб кетади. Ёзувчининг хаёлида етилган фикрлар мабодо ёзилмаса, қоғозга тушмаса, у ҳам асар ҳисобланмайди.

* * *

Ўқиган одам ўз соҳасидан ташқарини ҳам кўриб туриши керак. Худди туннелнинг у бошидан кириб бу бошидан чиқишни ўйлаган одамларга ўхшаб қолмасдан, бурнидан нарини ҳам кўрсин. Олим ҳам, шоир ҳам бўлаётган воқеаларни кафтидек кўриб турмаса, ҳеч нарса чиқмайди. Фақат ўз соҳасини билгувчи одам худди бир томонига юк ортилган қайиққа ўхшайди. У узоққа боролмайди. Сал тўлқинда бир ёғига қийшайиб чўкади-қўяди.

* * *

Баҳор ёмғири кишини қувонтиради, баҳрини очади. Аммо шу ёмғирнинг бир томчиси ёзда томса, киши таъбини хира қилади. Шунга ўхшаш, доно гапнинг ҳам ўрни бор, одам танимаслан ўринсиз гапириш ҳам кўрлик.

* * *

Замонавийлик ва асарнинг умри боқийлиги бу — одамларнинг олижаноб туйғулари, савияларида эмасмикан? Инсон яралибдики, жанг қилади, меҳнат қилади. Ҳаёт фақат жанг, меҳнат эмас, фикрлашдан ҳам иборат.

* * *

Фикрлар пишиб етилиб, юракдан тўлиб чиқмасидан асар ёзишга, айниқса, уни нашр этишга шошилиш керак эмас. Ўтин қизишмасдан, оловни ҳадеб пуфлайверишдан фақат ҳамма ёғинг кул бўлади. Дуди қозондаги таомга ҳам уриб, таъмини бузади, тутун иси келади. Қаловини топсанг, қор ёнади, дейдилар. Қаловига шошилмаслик керак. Ўтин қизишганда, сал пуфлаш билан гуп этиб, аланга олади.

* * *

Ватан, садоқат, қаҳрамонлик деган билан шеър бўлавермайди. Баъзан жангчилар жангга музика остида кирадилар. Ахир музикада бундай сўзлар йўқ-ку. Чунки музика кишиларнинг қалбидаги эзгу туйғуларни уйғотади, танти қилиб юборади. Шеър ҳам шундай бўлиши керак.

* * *

Бахт, бахтсизлик, ўлим ва туғилмоқ, шодлик ва алам, кулги ва йиғи — булар барчаси ҳаммага маълум, ҳаётда мавжуд нарсалар. Аммо шоир учун энг қийини одамларнинг қалбига йўл топиш, ёмонликка нафрат, яхшиликка қувонч ҳисларини уйғота билиш.

∴ ∴ ∴

Ҳаётдаги нарсаларни ҳамма ҳам бир хил тушунавермайди. Ҳаёт— бу айрим ҳарфлари ўчиб кетган, эски китоблардаги сўзларга ўхшайди. Биров бундан атрофдаги сўзларни бир-бирига чоғиштириб, тўғри маъно чиқарса, бошқаси эса, бутунлай ўқий олмайди. Ундан бир маъно чиқариш ҳар кимнинг ўз диди, билимига боғлиқ. Менимча, ёзувчилик ҳам шунга ўхшайди.

∴ ∴ ∴

Тилни сўзлашга, каллани фикрлашга берган.

Фикр каллада, мусаллас хумда етилади. Каллада пишитилмай айтилган гап бевақт очилган хумдан қуйилган мусалласдан бетаъсир.

* * *

Халқ, бу — чексиз хазина. Ким нимани орзу қилса, орзусини шу хазинадан топиши мумкин. Бахт ҳам, мангулик ҳам, юксак мартаба, шон-шуҳрат ҳам шу хазинада. Аммо бу хазинанинг калити халқнинг қалбини топа билишда, унга муносиб иш қилишда. Одамларнинг касб-кори, эркак-аёллигидан қатъий назар, ҳар бир киши ўзининг бетама қилган меҳнати билангина бу хазинанинг калитини қўлга олиши ва муродига етиши мумкин.

* * *

Ҳақиқий шеър учун фақат замонавий бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Шеърда фалсафа, ҳис ва одамларнинг дарди бўлиши керак. Бунинг учун ўзинг яшаган давр ва одамлар ҳаётини яхши билишинг керак. Ҳаётни билиш эса, пахтакор ё ишчи бўлиш эмас, ўша одамларнинг қалбига қулоқ солиш, улар нимани севади, нималадан нафратланади, ана шуни илғай билишда. Буларни тушунмасдан ёзилган асар ҳеч кимга ёқмайди.

САМИМИЙ ДИЛ СЎЗЛАРИ

Ўзбек шеъриятидагина эмас, балки катта совет шеъриятида ҳам Шукруллонинг номини, унинг ижодини, шеъриятини ҳеч ким, ҳеч нима билан адаштириш мумкин эмас.

Мустай КАРИМ.

∴ ∴ ∴

Ўйлайманки, XVIII асрда ҳам Шукруллога ўхшаган шоирлар бўлган. Аср нафаси ва овози уларнинг қон томирларида уриб турган. Бугунги бизнинг Шукруллода ҳам ана шу фазилатлар мавжуд. Замон ташвишлари, унинг дарду тилаклари ва мусиқаси шоир қалбида мужассам.

Давид КУГУЛЬТИНОВ.

∵ ∵ ∵

У шеърни узоқ ўйлайди. То қоғозга тушмай туриб кўнглида пишитиб олади. Дилига яқин кишилар назаридан ўтказади. Ана ундан кейингина қоғозга туширади.

Шукрулло 60 ёшини етук, халқ оғзига тушган шоир бўлиб нишонлаяпти.

Саид АҲМАД.

ЭЪТИРОФ

Шукрулло юксак қадимий маданиятга эга бўлган мамлакатнинг шоири, қайта туғилган она ўлкасининг куйчиси бўлишдек бахти бор. У ана шу шодликни муносиб оқлаб келмоқда. Унинг шеърлари теран фикрлари, лиризми, самимийлиги, қалбга яқинлиги, укпар юморга мойиллиги билан ажралиб туради. Улар ўз ижодкорларига шоён ўхшаб кетади...

Шукрулло ижоди — бу нафақат ўзбек шоирининг ижоди, балки миллий адабиётларнинг энг яхши анъаналарига таяниб, камолга етишган бой шеъриятнинг, ҳозирги давр совет поэзиясининг ажралмас бир қисмини ташкил этади.

Қайсин ҚУЛИЕВ,
Кабарда-болқор халқ шоири.



Ижодкор учун бошқа халқларнинг машҳур қалам аҳллари қандай ўйлар билан бандлиги, қандай янги асарлар ёзаётганлигини билиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу унга даврининг илғор ғоялари билан ошно бўлишга, замон билан бирга қадам ташлашга ёрдам беради. Шукрулло ҳам йирик адабий анжуманларда иштирок этар экан, энг аввало, қардош республикаларнинг қалам аҳллари билан учрашишга, улар билан ижод борасида фикр алмашишга шошилади.

СУРАТДА: Шукрулло таниқли бошқирд адиби Мустай Карим билан суҳбатлашмоқда.

ЯНГИ АСАРЛАР КУТАМИЗ

Мен шоир Шукрулло ижодини катта қизиқиш билан кузатаман. Унинг шеърларини, достонларини севиб ўқийман. Айниқса, «26. Тонготар» достони менда катта таассурот қолдирган. Бу достонда шаҳримизда зилзила рўй берган лаҳзалар, халқимизнинг ғайрат-шижоати ва матонати жуда ёрқин ифодаланган. Шоирнинг бошқа асарлари ҳам меҳнат кишисини улуғлашга, халқимизнинг бахт, саодатини куйлашга бағишланган. Яқинда матбуотда шоирнинг сўнгги йилларда яратган асарлари учун СССР Давлат мукофоти номзодлигига кўрсатилганлигини ўқиб қолдим. У ўз ижоди ва инсоний фазилатлари билан бу юксак унвонга сазовор.

Шукрулло ака 60 ёшга кирибди. Аммо унинг ўйлаган режалари, янги-янги шеър ва достонлари кўп. Биз, қурувчилар, бу асарларни сабрсизлик билан кутамиз. Чунки улар бизнинг бунёдкорлик фаолиятимизга, янги Тошкентни барпо этишимизга кўмаклашади, руҳий озиқ беради.

Ш. УЗОҚОВ,
қурувчи.

Шукруллони тез-тез қаламкаш дўстлари, ёш ижодкорлар даврасида учратиш мумкин. Бундай давраларда ҳамиша қизғин суҳбат авжга чиқади, қувноқ қаҳқаҳалар янграйди. Шоир ўзининг ҳаётий кузатишларини, янги ижодий режаларини мароқ билан сўзлаб беради. Ўз ҳамкасблари ва шогирдларининг ҳар бир ютуғидан қувонади.

СУРАТДА: Шукрулло қаламкаш дўстлари Одил Ёқубов ва Саид Аҳмад даврасида.

ҲАССОС ҚАЛБ СОҲИБИ

Шукрулло аканинг ҳассос бир куюнчаклик ва безовта руҳ билан йўғрилган шеър ва достонларини кўпдан севиб ўқийман. Шоирнинг шеър дунёсида одам ва олам, ватан ва жаҳон, боқийлик ва фонийлик муаммолари ҳамиша бир-бирини етаклаб, бир-бирини тўлдириб, қоришиб-чатишиб кетади. Шукрулло ака ҳеч қачон ўзидан ҳам, бошқалардан ҳам қониқмайди, нуқул олға интилади, олға интилишга даъват этади. «Хўш, аҳволининг қалай? Нималар ёздинг? Нималар ёзмоқчисан? Кейинги кунларда арзигулик нима ўқидинг? Қойилмисан? Қойил бўлсанг, нимасига қойилсан?..» —бу саволларни мен кўпроқ Шукрулло акадан эшитаман.

Адабиёт ҳақида, унинг истиқболи ҳақида ўйлаш, қайғуриш Шукрулло ака табиатининг асл фазилатларидан бири. Шу йил бир гуруҳ ёзувчилар билан Самарқанд ва Бухорога қилган сафарларимизда мен буни, айниқса, чуқур ҳис этдим. Шукрулло аканинг суҳбатларидан олам-олам баҳра олдим. Шоирнинг қиёфаси менинг кўзимга янгидан очилди. Самимий ва камтар, танти ва заҳматкаш, куюнчак ва ҳалол бу ижодкорни янада севиб қолдим.

Шукрулло ака олтмиш ёшга тўлибдилар. Шоирнинг қалбига қулоқ тутган киши бу ёшнинг ижодкор учун авжи қирчиллама сана эканига ҳеч шубҳа қилмайди. Мен Шукрулло акани шу муборак байрам билан қаламкаш укалари номидан қизғин табриклайман. Қадрдон шоир акамизга янги-янги ижодий зафарлар йўлдош, теран илҳом ва эҳтирос ҳамроҳ бўлаверсин.

Жамол КАМОЛ.

Саҳифа материалларини филология фанлари кандидатлари Бахтиёр НАЗАРОВ ва Нуъмон РАҲИМЖОНОВлар тайёрлашган.

ФАН-ТЕХНИКА ИЗЛАНИШЛАРИ ВА КАШФИЁТЛАРИ

Ҳосил қалқони

Олтиариқ районидаги учта хўжалик ўсимликларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя этишнинг яхлитлаштирилган системасини қўллаш ҳисобига 150 минг сўмдан кўпроқ пулни тежади. Тошкент қишлоқ хўжалик институти Фарғона филиалининг олимлари билан олтиариқлик деҳқонлар ҳосилни сақлаш биологик ва химиявий методларини амалда қўшиб синаб кўрдилар.

Олимлар билан практиклар биргалашиб 4 йил олиб борган илмий тадқиқот ишлари якунларининг кўрсатишича, бу система ҳосил нобудгарчилигини камайтириши, ғўзани ҳимоя этишга сарфланадиган маблағларни тежаб қолишдан ташқари, атроф-муҳитнинг заҳарланишини анча камайтирди,— дейди пойтахтдаги институт филиали зооинженерия факультетининг декани, биология фанлари кандидати Носир Каримов. Масалан, Энгельс номли, «Ленинизм» ва «Пахтаобод» колхозларида экинга ишлов беришда химикат сарфи уч баравар, зараркунандаларга қарши кураш харажатлари эса икки ярим баравар камайди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 4 центнер кўпроқ бўлди.

Экинни ҳимоя қилувчи бу янги нафли усулни ишлаб чиқаришга янада кенгроқ кўламда илмий асосланган ҳолда жорий этиш мақсадларида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиали ҳузурида махсус лаборатория ташкил этилмоқда.

(ЎзТАГ).

Денгиз энергияси ишлайди

Денгизнинг чуқурлиги ва юзидаги температура тафовути вужудга келтирган иссиқлик энергияси сувни чучуклаштирадиган қурилмани ҳаракатга келтира олади. Одесса совутиш саноати технология институтининг олимлари лаборатория шароитларида шу жараённи модель қилиб, унинг қиммат турадиган буғлатиш методига нисбатан фазилатлари кўплигини исбот қилдилар.

Қурилманинг асосий иш органи бетон труба шаклидаги генератор доимо плюс 6—7 градус температура сақланадиган чуқурликка ботирилади. Преон, хлор ва метиль хлорид ёрдами билан денгиз суви чучук музга айланмоғи учун шу кифоя. Муз йиғилиш учун юқорига кўтарилаётиб, илиқ сув қатламининг таъсирида эрийди. Бундай сувнинг буғлатиш методи билан олинадиган сувдан тафовути катта. У кўпина минерал моддаларни сақлаб қолади ва икки баравар арзонга тушади.

Мутахассислар одессалик теплофизиклар таклиф этган технология сувни чучуклантирадиган катта-катта қурилмаларда фойдаланиш учун ғоятда истиқболли деб ҳисобламоқдалар.

(ТАСС).

Шу кунларда Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларида имтиҳонлар давом этяпти. Бу йил ана шу олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлимларига уч ярим мингдан ортиқ йигит ва қиз қабул қилинади. Иш стажига эга бўлган, Совет армияси сафидан қайтган ёшлар мандат комиссиясида имтиёзга эга бўладилар.

СУРАТДА: трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги факультетига кираётган абитуриентлар ўзбек тилидан имтиҳон топширмоқдалар.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

Бокс

ДАЪВОГАРЛАР САФИ СИЙРАКЛАШМОҚДА

Бокс бўйича 47-мамлакат шахсий чемпионати ҳал қилувчи босқичга кирди — ўтган жума куни нимчорак финал олишувлари ниҳоясига етди. Эрталабдан бошлаб энг енгил— 48 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги спортчилар рингга чиқишди. Самарқандлик спорт мастери спартакчи Ш. Аҳмаджонов ўз маҳоратини намойиш этди. У рақиби— молдавиялик армиячи И. Орбуни кетма-кет ҳужумлар билан эсанкиратиб қўйди. Аҳмаджонов уччала раундда ҳам ташаббусни қўлдан бермай ҳаракат қилди. Натижада судьялар якдиллик билан уни ғолиб деб топдилар. Ангренлик спорт мастери З. Абдуқодиров ҳам РСФСР вакили Ц. Улзутуев («Урожай») билан бўлган олишувни ҳужумкорлик билан ўтказди. Бу учрашувда ҳам республикамиз вакили очколар бўйича ғолиб деб топилди.

Ана шу вазн тоифасида украиналик армиячи В. Поломарчук рингга чиқмай муваффақиятсизликка учради. Учрашув олдидан спортчилар торозуда тортиб кўрилганда у белгиланган «нормадан» оғир эканлиги аниқланди. Натижада унинг рақиби — РСФСР вакили спартакчи В. Ефремов жангсиз ғалаба қозонди.

Кутилганидек халқаро классдаги спорт мастери А. Клюев (РСФСР) ҳам чемпионат медаллари учун курашни давом эттиради. У Қозоғистонлик «Енбек» жамиятининг вакили З. Манашев устидан осонгина ғалабага эришди.

51 килограммгача бўлган вазн тоифасида иштирок этаётган таниқли боксчилар ўз маҳоратларини яна бир бор намойиш этдилар. Ана шу вазн тоифасидаги навбатдаги босқич мусобақаларида халқаро классдаги спорт мастерлари — армиячилар А. Никифоров (РСФСР) ва москвалик А. Дугаров, шунингдек қозоғистонлик К. Сафин («Меҳнат резервлари») иштирок этадилар.

Саралаш жангларида ҳамшаҳримиз С. Боймуродовни мағлубиятга учратган ленинградлик М. Патюько («Зенит») белоруссиялик динамочи А. Касперовичдан мағлубиятга учраб, мусобақалардан чиқиб кетди.

54 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги боксчиларнинг чорак финал учрашувларида Ўзбекистон вакиллари иштирок этишмайди. Ёдингизда бўлса керак, саралаш босқичида динамочи Н. Нурбоев ва студент Р. Сайдаметов муваффақиятсизликка учраган эдилар. Ана шу учрашувларда ғолиб чиққан ленинградлик Г. Чебочаков ва москвалик Э. Хусаинов навбатдаги ғалабага эришдилар. Чебочаков украиналик А. Иброҳимовни, Хусаинов эса арманистонлик Г. Оганесянни мағлубиятга учратди. Шу вазнда халқаро классдаги спорт мастерлари В. Сердюк ва А. Микулин ҳам курашни давом эттиришяпти.

Кечқурун эса вазни 60 килограммдан ошмайдиган спортчилар ўзаро беллашишди. Бунда тошкентлик динамочи спорт мастери Г. Трунин ўз маҳоратини намойиш этди. Унинг рақиби бирмунча кучли, украиналик армиячи А. Лубенец эди. Аммо ҳамшаҳримиз ташаббусни ўз қўлига олиб, яқин масофада ҳам, олисдан туриб ҳам аниқ зарбалар бериб, очколар бўйича ишончли ғалаба қозонди.

Республикамизнинг яна бир вакили М. Качайло Ўз. совет ДСО («Зенит») ҳам муваффақиятга эришди. Аввалига у ўз рақиби ленинградлик армиячи В. Глазириндан ҳадиксираб турди. Уччала раундда ҳам рингда муросасиз кураш давом этди. Ташаббус гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга ўтиб турди. Финал гонги ҳар икки спортчини ҳужум пайтида тўхтатди. Қисқа маслаҳатлашувдан кейин судьялар В. Качайлони ғолиб деб топдилар.

Чирчиқлик динамочи С. Даниловнинг омади келмади. У очколар бўйича биринчи раундни бой бериб, иккинчисини ютди. Лекин учинчи раундда ўз муваффақиятини мустаҳкамлай олмади. Ҳимояга эътибор бермай, кучли зарба беришга ҳаракат қилган Данилов ниятига эриша олмади. Белоруссиялик халқаро классдаги спорт мастери Ю. Прохоров ғолиб чиқди.

Мусобақаларнинг ҳар бир куни кутилмаган натижалар қайд этилмоқда. Мана бу сафар ҳам арманистонлик таниқли боксчи халқаро классдаги спорт мастери А. Аветисян РСФСР вакили А. Сундирцев билан учрашувда биринчи раунддаёқ уч марта кучли зарбани ўтказиб юборди. Натижада учрашув тақдири биринчи раунддаёқ ҳал бўлди.

Шундай қилиб чорак финал олишувларида РСФСРдан— 23, Украинадан— 16, Қозоғистондан— 11, Арманистон ва Ўзбекистондан — 10 тадан, Белоруссиядан — 7 спортчи иштирок этади. Ана шу жангларда Москва, Грузия, Ленинград, Литва, Қирғизистон, Латвия, Туркманистон вакиллари ҳам қатнашадилар.

МАКТАБЛАРДА МУЗИКА СИНФЛАРИ

Тошкент темирйўлчилар 2-мактаб-интернатида яшаб, ўқиган болалардан 100 киши бу йил болалар музика мактабига киришди. 22-мактаб педагоглари уларга фортепьяно, скрипка, аккордеон ва бошқа музика асбоблари чалишни, музика санъати назарияси, тарихи билимларини ўргатадилар. Интернатда болалар учун шу мактабнинг филиали очилди. Интернат тарбияланувчиларининг ота-оналари узоқда меҳнат қилишади. Ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари бу ерда икки йилдан буён музика лекторийси машғулотларини олиб бормоқдалар. Бу йил лекторий раҳбарлари мактаб-интернат ўқувчиларининг ҳам концертларда иштирок этишини планлаштирмоқдалар.

Тошкент 22-болалар уйида бу йил сентябрдан бошлаб музика синфлари очилди. 22-музика мактаби бу ерда ҳам ўз филиалини ташкил этди. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган олтмиш бола турли чолғу асбобларида чалишни ўрганади.

(ЎзТАГ).

Жонажон шаҳримиз йилдан-йилга обод ва кўркам бўлиб бормоқда.

СУРАТДА: шаҳримизнинг Пушкин кўчасидаги улуғ рус шоирига ўрнатилган ҳайкал.

М. Нуриддинов фотоси.

ЯНГИ МАРКА

СССР Алоқа министрлиги уруш ветеранлари Совет комитети 25 йиллигига атаб янги марка чиқарди. Маркада қалқон устига ҳалоскор жангчи — фашизмга қарши жангларда қурбон бўлган Совет Армияси жангчилари хотирасига Берлиндаги Трептов боғида ўрнатилган ҳайкал фрагменти тасвирланган. Марканинг пастки қисмида дафна шохчаси акс эттирилган бўлиб, унинг четларига «Уруш ветеранлари Совет комитети XXV ёшда» деб ёзиб қўйилган.

Рассом — Георгий Возлинский. Марка нархи — 4 тийин.

Свердлов областининг саноат марказларидан бири бўлган Ирбит шаҳрига асос солинган кунга 350 йил тўлиши муносабати билан авиаконверт ҳам чиқарилди. Конвертдаги расмда Ирбит шаҳридаги мотоцикл заводи биноси ва шаҳар герби тасвирланган. Пастроқда «350 йил» деб ёдгорлик санаси ёзиб қўйилган.

(ТАСС).

Редактор ўринбосари С. Б. ЁҚУБОВ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
214-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1981—82 ўқув йилига

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРАДИ: саноат ускуналари бўйича слесарь-ремонтчи, металлар бўйича токарь, механика йиғув ишлари слесари (станокли ва слесарли ишларнинг разметкачи-контролёри), электр ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича электр монтёр, қўлда пайвандлаш бўйича электр пайвандчи, ярим автомат машиналарда ишловчи электр пайвандчи, пайвандлаш ишларининг контролёри, фрезерчи, штамповкачи, қуюв ишлаб чиқаришининг қолипловчиси.

ЎҚИШ МУДДАТИ— БИР ЙИЛ ВА УЧ ЙИЛ.

Билим юртини 3 йил муддат билан битириб чиққанлар ўрта маълумот тўғрисида аттестат ва иккита аралаш ихтисослик бўйича диплом оладилар.

Ўқиш муддати меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси давомида ишланган иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Билим юртини 4—5 баҳолар билан битирганлар имтиёзли шароитда олий ўқув юртларига кирадилар. 10-синф ҳажмида маълумоти билан билим юртини битирганлар билим юртини тугатганлиги тўғрисида аттестат оладилар. Ўрта мактабларни битирган ўқувчилар ойига 76 сўм ҳажмида стипендия билан таъминланади. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхона берилади.

15 ДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт), 8-синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома (10-синфни тугатганлиги тўғрисида аттестат), справкалар: турар жойидан, саломатлиги тўғрисида, фотосурат (3х4 см. ҳажмида), автобиография.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй (2, 16, 25, 28, 29-трамвайлар, 8, 9, 24, 44, 60, 72, 112, 115-автобусларнинг «Ғалаба боғи» бекати). Телефон 35-08-02.

Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг БОШ МАТЕРИАЛЛАР СКЛАДИГА

ҳайдовчилар: автомашиналар, автокранлар, автопогрузчиклар; бухгалтер, омборчилар, слесарлар, омборлар мудирлари, газ-электр пайвандловчилар, тўрт оёқли кран машинистлари, электр ҳисоблаш машиналари операторлари, катта қабул қилувчи ва топширувчилар, бошқа жойларга бориб келиш билан боғлиқ юк ташувчилар (меҳнат ҳақи—ишбай мукофотли), юритувчи-машинисткалар

КЕРАК

Темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган барча имтиёзлар склад ишчиларига ҳам тааллуқлидир. Улар турар жойдан иш жойига (шаҳар атрофи зонасида истиқомат қиладиган ишчилар учун) шаҳар атрофида қатнайдиган поездларда бепул юриш, ўн бир ой ишлагандан кейин Совет Иттифоқининг исталган районига бориш учун ва Ўрта Осиё темир йўли бўйлаб бепул билет олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси 4-уй, 3-подъезд, 5-хона—аҳолини га жойлаштириш бюросининг марказий пункти.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/IX да **Келинлар қўзғолони**, 9/IX да **Олтин девор**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ДРАМА ТЕАТРИДА—7/IX да **Дилафрўзга тўрт ошиқ**, 9/IX да **Олифта**.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИНИНГ ҳайрлашув гастроллари.

КИНО

7 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА» — **Лисунов номли** (17, 20.00, телефон 96-34-02).

«ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИККА КАФИЛ БЎЛОЛМАЙМАН» — **Янгиобод** (18, 19, 21.00, телефон 96-36-21).

«РАШК АЗОБИ»— **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Мир** (тоқ соатларда).

8 СЕНТЯБРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00, телефон 96-34-02).

«ШАХСИЙ ХАВФСИЗЛИККА КАФИЛ БЎЛОЛМАЙМАН» — **Янгиобод** (13, 18, 19, 21.00, телефон 96-36-21).

«РАШК АЗОБИ» — **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда), **Мир** (тоқ соатларда).

Ўзбекистон ССР «МИНМОНТАЖСПЕЦСТРОЙ»и «УЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ
ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда қуйидаги мутахассисликлар бўйича
3 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

газ-электр пайвандчи, темир-бетон ва пўлат конструкциялар монтажи бўйича монтажчи, гусеницали ва пневмоғилдиракли кранлар кранчиси, автокранчи, қурилиш машиналари ремонти бўйича слесарь, қурилиш машиналари ремонти бўйича электрик.

КУРСГА 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, СОВЕТ АРМИЯСИ САФИДАН ЗАПАСГА БЎШАТИЛГАН 18 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Машғулотлар— группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Қабул қилинганларга 76 сўм стипендия берилади, бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, Ш. Руставели кўчаси 91-уй, 3-қават, Телефонлар: 53-52-72, 53-51-80.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1982 йил учун ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ИДОРАЛАРДАН ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ: «ПЛАКАТ» нашриётининг нашрларига обуна даврий нашрларга обуна учун корхонада ажратилган маблағ ҳисобига лимитдан ташқари қабул қилинади.

ИДОРАЛАРДАН ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ 15 СЕНТЯБРДА ТЎХТАТИЛАДИ.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «СОЮЗПЕЧАТЬ» бошқармаси.

Тошкент область, Тошкент район, Орджоникидзе номидаги 34-мактаб томонидан Абилов Абдусаттор Абдужалилович номига берилган 228880 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ҲАВАСКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!
И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ УЙИ ҚОШИДАГИ ХАЛҚ ТЕАТРИ
ўз ижодий фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида
ДРАМА БЎЙИЧА
Ҳаваскорлар қабул қилади.
Хоҳловчи қиз ва йигитлар театрга ёзилишлари мумкин.
Бизнинг адрес: Ҳамза кўчаси, 10-уй (1, 4, 14, 18, 21-троллейбусларнинг «Калинин майдони» бекати).
ХАЛҚ ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ
коммутатор цехида ишлаш учун
ТЕЛЕФОНИСТКАЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН
4 ОЙЛИК ҚУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН, 10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, 18 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Иш куни — 6 соат, меҳнат отпускаси —18 кун.

Ўқувчиларга ойига 60 сўм стипендия тўланади.

Истовчилар техникум ёки институтнинг сиртқи бўлимида ўқишлари мумкин.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Курсга кириш учун керакли ҳужжатлар: паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, 2 дона фотосурат (3х4 см.), меҳнат дафтарчаси ёки илгари ишламаганлар учун ЖЭКдан справка.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28-уй, кадрлар бўлими. Телефон 44-34-34.

«ЎЗБЕКБИРЛАШУВ»нинг
ТОШКЕНТ КООПЕРАТИВ ТЕХНИКУМИ
қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товаршунослиги ихтисоси бўйича
КУНДУЗГИ БЎЛИМГА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумни битирганлар «Ташплодоовощ» савдо бирлашмасига ишга юбориладилар.

Ҳужжатлар— 15 сентябргача қабул қилинади.

Техникум адреси: Тошкент область, Орджоникидзе район, Тимирязев участкаси (қишлоқ хўжалик институти олдида). Телефонлар: 62-64-28, 62-28-16.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

7 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.25 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». 18.55 «Расмларда қуёш акси бор». 19.10 Бразилиянинг миллий байрами— Мустақиллик эълон қилинган кунга. «Жаҳон халқларининг ижоди». Бразилия халқ санъати. 19.30 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Индустрия— қишлоққа». 20.00 Г. Доницетти. Лучия ди Ламмермур». Фильм-опера премьераси. 21.30 «Время». 22.05 «Кувноқ йигитлар». Ёшлар программаси. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 Ёшлар программасининг давоми. 23.25 «Кириш». Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 20.30 Дзю-до бўйича жаҳон чемпионати. Нидерландиядан олиб кўрсатилади. 21.00 «Офтобда пишган мевалар». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. (Болгария). 1-серия. 23.20 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси.

I

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Кичкина қизча ва автомобиль ҳақида» Мультфильм. 18.40 Болалар учун концерт. 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Едимизда ва қалбимизда ҳамиша» (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Ферзи Алиев қўшиқлари. 20.20 «Ўзбекистон нони». Ҳужжатли фильм. («Ўзкинохроника».) 20.30 «Ахборот». 20.50 Рояль олдидаги суҳбатлар. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Шоликорларнинг шу кунги муҳим вазифалари». 22.20 «Эркаклар ёзи». Бадиий фильм. 23.50 «Бугун оламда нима гап». Халқаро аҳвол кундалиги. 00.05 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Солдатча». 18.45 «Ёшлик сафда». Ҳужжатли телефильм. 19.30 «Шифокор экрани». 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Хатарли парвоз». Бадиий фильм. 21.30 Марказий телевидениенинг IV программаси.

8 СЕНТЯБРЬ— СЕШАНБА

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Эрталабки гимнастика. 10.05 «Асли болаликдан». Л. Кассиль. «Кондуит ва Швамбрания» 11.00 Г. Доницетти. «Лучия ди Ламмермур». Фильм-опера. 12.30 «Пушкин Петербурги». Телевизион ҳужжатли фильм. 13.00 Москва Давлат филармонияси академик симфоник оркестрининг концерти. 13.35 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Социалистик мамлакатлар телевидениелари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.10 «Халқ оҳанглари». 16.25 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади. 17.25 Д. Шостакович. «Степан Разининнинг қатл этилиши». Поэма. 17.55 Сув спорти турлари бўйича Европа чемпионати. Югославиядан олиб кўрсатилади.

18.10 «Звездочёт» телевизион журнали. 18.55 Корея Халқ Демократик Республикаси артистларининг чиқиши. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада» кубоги». Финляндия— СССР терма командалари. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 Хоккей бўйича Халқаро турнир. «Канада кубоги». «Канада— Швеция терма командалари. 3-давр. Канададан олиб кўрсатилади. 22.45 «Дунё воқеалари». 23.00 СССР халқ артисти И. Богачёва ҳамда Ленинград телевидениеси ва радиосининг В. Андреев номли рус халқ оркестри концерти. 23.55 Телевизион ҳужжатли фильм.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

9.00 «Время». 9.45 «Йил охиридаги кичик карнавал». Телевизион ҳужжатли фильм». 10.05 Француз тили. 10.35 Тарих. 5-синф. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. 11.35 Тарих. 5-синф. 12.05 Француз тили. 12.40 Ботаника. 5-синф. 13.00 Шахмат мактаби. Шахмат тожи учун кураш. 2-кўрсатув. 13.30 «Томск жилолари». Илмий-оммабоп фильм. 13.40 Ботаника. 5-синф. 14.00 А. М. Горький. «Одамлар орасида». «Менинг университетларим». Ўқитувчи экрани: 14.55 География. 7-синф. СССРнинг географик жойлашиши ва чегаралари. 15.15 Достонлар. 5-синф. 15.50 Ўқитувчига музика дарси. 2-синф. 1-кўрсатув. 16.50 «Норильск». Ҳужжатли фильм.

19.00 «Қишлоқ янгиликлари». 20.30 «Халқаро панорама». 21.15 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 21.30 «Время». 22.05 «Бўрилар орасида ёлғиз». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Болгария) 2-серия.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетидан, сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий). 18.35 Мактаб ўқувчилари учун «Жонажон ўлка». 19.05 «Журналистчасига софдиллик билан». Ҳужжатли фильм. 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 Бокс бўйича СССР чемпионати. Ярим финал (ёзиб олинган). 20.30 «Ахборот». 20.50 М. Ойнақулова ва С. Муҳиддинов иштирокида концерт. 21.30 Москва «Время». 22.05 «Оқ олтин» карвон-карвон». 22.25 «Катта йўл». Бадиий фильм. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Галилейнинг набиралари». 18.20 «Ўқитувчи экрани». 18.50 Эстетика асослари. «Эстетика нимани ўргатади?» (рус.). 19.30 «Бизнинг тароналар». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Реклама. 20.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим— фахрим». 21.05 «Ҳар куни қаҳрамонлик». Телефильм (рус.). 21.30 Марказий телевидениенинг IV программаси.

Бутуниттифоқ «Интурист» акционерлик жамиятининг Тошкент шаҳридаги бўлими коллективи бўлим бошқарувчисининг ўринбосари Н. П. Ҳайитматовга онаси

Бадирнисо ҲАЙИТМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти коллективи институт илмий ходими А. Абдуллаевга отаси

Турғун АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 бет. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83. совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19. фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот —33-28-95. спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33.29.70: эълонлар бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери— 32-78-94; нашриёт телефов станциясининг навбатчилари— 39-90-50.

7 СЕНТЯБРЬ, 1981 й. Р— 07334. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64581. В—2198. 9